



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exaf.uz, gov@sdv.uz

2021-yil “8” fevral

Қ-76 -son

Termiz sh.

Термиз тумани “Гулистон” маҳалласи худудидан “Indenim Chorvachilik” МЧЖга “Чорвачилик фермаси биноси”ни қуриш ва “Чорва озуқа экинларини экиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/255-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 08 майдаги 198/01-42-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Термиз тумани “Гулистон” маҳалласи худудидан “Indenim Chorvachilik” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 150қ, 102д, 102вқ, 102б ва 101гқ-дала контурларидаги жами 176,7 гектар, шундан 164,1 гектар суғориладиган экин ер майдони “Чорва озуқа экинларини экиш” учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан, 10,0 гектар яйлов ер майдони “Чорвачилик фермаси биноси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан, 1,7 гектар ариқлар, 0,3 гектар йўллар ва 0,6 гектар бошқа ер майдонлари ажратилсин.

2. “Indenim Chorvachilik” МЧЖ 10,0 гектар яйлов ер майдони “Чорвачилик фермаси биноси”ни қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 133 718 800 (бир юз ўттиз уч миллион етти юз ўн саккиз минг саккиз юз) сўм давлат тўлов қоплама кийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратиб берилган

ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов